

№ 387-сонли ШАРТНОМА
22110012113714-сонли лот

2022 йил “07”июль

Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган “QURUVCHI-ME'MOR SERVIS” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари М.А.Мелиқўзиева иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан «Фуркат тумани Навбаҳор МФЙ худудидаги Темирийўлчи КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш» обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шахарсозлик хужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «04» июль кунги танлов соликларни топширишада буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “25” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ ” да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК мажбуриятини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.2. Лойиха кидирав ишларида (топосёмкада) барча ер ости мухандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонадзорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хулоса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига кадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкидланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Лойихачи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пурдатчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган холда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблаг ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Лойихачи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат киласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш Бошқармаси хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қискартириш Бошқармаси хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қискартириш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплексларни топшириш ишчи хужжатларини З нусхада, хulosаси олингандан сўнг, Лойихачи З кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини З нусхада, смета хужжатларини З нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим киласи. Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2.Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул килаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб киласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф киласи.

8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Лойихачи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1.Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Лойихачи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзгатилган даъво юзасидан кўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган кидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чикиши ва шунга мувофиқ зарур кўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Лойихачи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Лойихачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёrlари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давлат экологик қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди. берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари куйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган холда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-

харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганилиги хакида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктиносидий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июнга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Лойихачи”

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-й

Тел.: 0-373-244-72-04

СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210

ШХР: 301121860304017063201110173

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса

маркази (ХККМ)

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010 МФО: 00014

СТИР: 201 122 919

Рахбар:

Р.Холикназаров

М.У.

«QURUVCHI-ME'MOR SERVIS» масъулияти чекланган жамият.

Қўкон шаҳар Тўққизбулок -12. (Авғонбоғ кўчаси 77А уй).

тел: +998-91-145-91-41

АТ «Алоқабанк» «Қўкон» НКХКМ.

Х/Р: 2020 8000 8005 8164 6001

МФО: 00401

ИНН: 303 769 550

ОКОНХ: 61110

Директор

М.У.

М.А.Меликузиева

Хукукий хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни ва бошка меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист

А.Нишонов

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”
УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси
бошлиги
Р.Холикназаров



07.07.2022 йил

Фарғона

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”
УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан 27.06.2022 йил кунги лот
№22110012113714 билан лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун давлат харидлари
порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 26

Қатнашдилар:

- Р.Холикназаров
А.Умурзаков
Ш. Абдураимов
У.Эназаров
А.Нишонов
- Бошқарма бошлиги
 - Бош мухандис
 - Лойиха бўлими бошлиги
 - Маркетинг бўлими бошлиги
 - Хуқуқшунос

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "QURUVCHI-ME'MOR SERVIS" MCHJ
2. “Қўқон Электр Нур Жаҳон” МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг
2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичida иштирокчи корхоналар
томонидан хеч қандай эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи
"QURUVCHI-ME'MOR SERVIS" MCHJ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши
таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси)
тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш маҳсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Р.Холикназаров

У.Эназаров

Ш. Абдураимов

А.Умурзаков

А.Нишонов

С.Курбонов

Йиғилиш котиби: